

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БОЛАЛАР МАСАЛАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1917–1921 Й.Й.)

Шоҳруҳбек МАМАДАЛИЕВ

докторант

Наманган давлат университети

Наманган, Ўзбекистон

shohruhbekm92@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада 1917-1921 йилларда Совет ҳокимияти томонидан ота-онасини йўқотган, боқувчисиз қолган болалар тақдири, уларга яратилган шартшароитлар ва болалар ўртасида амалга оширилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган айrim амалий ишлар тарихи таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Россия империяси, болалар, Фавқулодда комиссия, болалар милицияси, кийим, болалар тарбияси, интернат, фуқаролар уруши, “Болалар уйи”, “Болалар милицияси”.

ИЗ ИСТОРИИ РАБОТЫ СОВЕТСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА ПО ДЕЛАМ ДЕТЕЙ (1917–1921 ГГ.)

Шоҳруҳбек МАМАДАЛИЕВ

докторант

Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистан

shohruhbekm92@mail.ru

Аннотация

В данной статье анализируются судьба детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей в 1917-1921 гг, условиях, созданных для них советской властью, и история некоторых практических работ по предупреждению правонарушений среди детей.

Ключевые слова: Российская империя, дети, Чрезвычайная детская полиция, одежда, воспитание детей, интернат, гражданская война, «Детский дом», «Детская милиция».

Россия империяси ва унинг чекка ўлкаларидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол бир-биридан тубдан фарқ қилмас эди. Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) Россия ва унинг ҳукумронлиги остидаги чекка ўлкаларни янада иқтисодий ботқоққа ҳамда сиёсий бошбошдоқликка келтириб қўйди. Чунки бу уруш жуда кўп оиласарни бир-биридан айиришга, чекка ўлкалар иқтисодиёти

қашшоқлашишига, қанчадан-қанчадан кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Натижада минглаб болалар ота-онасиз қолиб, назоратдан четда бўлган эдилар. Ота-онасидан айрилган ва айни пайтда назоратдан четда бўлган, бир бурда нонини, жулдур кийимини ўзи топишга, иссиқ-совуқларда оч-яланғоч юришга мажбур бўлган болалар бутун мамлакат бўйлаб кезиб юрарди. Болалар тарбияси, уларнинг озиқ-овқат таъминоти, кийим-кечаги, бошпанаси “тақдир тақазоси”га қўйиб берилди. Натижада, “ўзинг учун ўл етим” ақидасига риоя қилиш қисматига дучор бўлган болалар бир бурда нон топиш йўлида ҳар қандай жиноятга бош уриб кўришдан қайтмайдиган бўлиб қолди. Болалар жинояти борган сари кўпайиб борди. Чунки катта ёшдагилар урушда ва айримлар рўзғор ташвишига ўралиб, қолган маълум бир зиёлилар эса “инқилобий ҳаракатлар” билан овора бўлиб, бу амалда болалар масаласини янада долзарб муаммолардан бирига айлантириб борди.

1917 йил февраль инқилоби ва октябрь давлат тўнтариши Россия ва унинг ўлкаларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволни янада мураккаблаштириб юборди. Совет ҳокимияти олдида большевиклар қўлга киритган “инқилобий муваффақиятлар”ни мустаҳкамлаш йўлида янги, “замон рухига мос” болаларни тарбиялашдек муҳим вазифа турарди. Чунки ўсиб келаётган авлодни “инқилобий рух”да тарбиялаш большевиклар ҳукумати олдидаги муҳим аҳамиятга молик вазифалар қаторига кирап эди. Айнан ўсиб келаётган болалар онгida “инқилобга содик”ликни шакллантириш учун улар янги ҳокимият “афзаллик”ларини кўриши, большевиклар ҳокимиятини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва керак бўлса шу мақсадда ўз жонини фидо қилишга тайёр бўлиши катта аҳамиятга молик вазифалар қаторида турарди. Аммо октябр тўнтариши амалда нафақат катта ёшдагилар, балки ўсиб келаётган болаларни ҳам сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш оқибатининг қурбонларига айлантириб қўйди. Умуман олганда, ҳокимият учун кураш болаларни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилишишига, уларни оч-наҳор, бир бурда нон илинжида турли жойларда сангид юришига олиб келди.

Болалар жинояти борган сари кўпайиб боришида катта ёшдагиларнинг ҳам “хизмати” етарли даражада бўлган. Чунки айнан катта ёшдагилар ўзларининг жиноят кўчаларига болаларни ҳам тортиб, уларни ўғрилик қилишга, йўлтўсарлик билан шуғулланишга ва бошқа хуқуқбузарликка ўргатар эдилар. Катта ёшдаги жиноятчилик қамаш, кўп холларда отиб ташлаш мумкин бўлган ҳолда, жиноятчилик йўлига кирган болаларни бу йўлдан қайтариш, мумкин қадар улардан совет ҳокимияти қурилиши, мустаҳкамланиши йўлида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланар эди.

Россия империясида давом этаётган фуқаролар уруши ва чет давлатлар интервенцияси туфайли, тўлиқ бўлмаган маълумотга мувофиқ, 4 млн. атрофида болалар нафақат ўз ота-оналаридан айрилдилар, қўшимчасига бошпанасиз, назоратсиз ва озиқ-овқатсиз қолдилар. Совет ҳокимияти қаршисида назоратсиз қолган болаларни ўз қарамоғига олиб тарбиялашдек мураккаб вазифа кўндаланг бўлиб қолди [4;56].

Совет ҳокимияти болалар жинояти олдини олиш борасида, 1918 йили “Балоғат ёшига етмаган болаларни ҳимоя қилиш комиссияси”ни тузди ва бу комиссия зиммасига болаларни ҳар томондан қўриқлаш, уларнинг илм олиши, совет руҳида тарбиялаш вазифаси юклатилди. Мазкур комиссия 1918 йили ташкил топганига қарамасдан, унинг амалий фаолияти чет эл интервенцияси, фуқаролар уруши йилларида анча суст бўлди. Бунинг сабаблари сирасига РСФСР адлия ҳалқ комиссарлиги томонидан 1919 йил 12 декабрдаги балоғат ёшига етмаган болаларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ва озодликдан маҳрум қилиш бўйича рухсат берилганини киритиш мумкин. Шунингдек, болалар жиноятининг олдини олиш борасида 1920 йили РСФСР ҳалқ маорифи комиссарлиги қошида ташкил топган “Болаликни ҳимоя қилиш бўлими” ташкил қилинди. Ушбу бўлим таркибида қўйидагилар бор эди: болалар уйи; болаларни хуқуқий ҳимоя қилиш; балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси; болалар милицияси (инспекцияси ҳам); болаларни қабул қилиш жойи (ҳибсга олиш жойи) [2;172].

Бундан ташқари Совет ҳокимияти томонидан 1920 йил апрелида болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича “Болалар милицияси” ташкил қилинди.

“Болалар милицияси”ни алоҳида ташкил қилишдан мақсад, балоғат ёшига етмаган болаларни катта ёшдаги ҳуқуқбузарларни қабул қилишга мўлжалланган милиция участкаларига юбормасдан алоҳида сақлаш эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки “Болалар милицияси” ўзини оқламади. Ҳаттоқи “Болалар уйи” ва қабул пунктларидаги айрим масъул шахсларнинг ўзлари томонидан тутиб келтирилган болаларни ўмариш йўлида кескин чоралар қўрилмас, болалар тарбияси мутлақо назоратсиз ва издан чиқиб кетиши аниқ бўлиб улгурган эди. Шунинг учун 1921 йилнинг январида Бутунrossия марказий ижроия қўмитаси ҳузурида “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” тузилди ва унга раис этиб Бутунrossия фавқулодда комиссияси раҳбари Ф.Э.Дзержинский тайинланди. Фавқулодда комиссия аъзолари, яъни чекистлар “Болалар уй”лари, болалар боғчалари, болалар касалхоналари ва санаторийларини, қаровсиз ва назоратдан четда қолган болаларни ҳар томонлама ўрганишга киришдилар [2;186].

Шунингдек, 1921 йили Туркистон Марказий Ижроий қўмитаси қарори билан “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” тузилган ва мазкур комиссияга қўйидаги вазифалар юкланган.

1. Озиқ-овқат, уй-жой, ёқилғи ва темир йўллар билан боғлиқ ёрдам. Биринчи навбатда, кўча болаларининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қиласиган муассасаларга ёрдам кўрсатилади.

2. Марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг болаларни ҳимоя қилиш ва уларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича қабул қилинган карорлари бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, ушбу масалалар бўйича қонунчилик ташаббусини илгари суриш;

3. Марказий ҳуқуматнинг амалдаги қонунлари ва қоидалари асосида ва Комиссия ҳуқуқлари доирасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича фармойишлар чиқариш.

Комиссия ўзининг барча фаолиятини марказий бошқармаларнинг тегишли органлари орқали, жойларда эса вилоят ва туман ижроия қўмиталари орқали бевосита комиссия бошчилигига ҳар бир вилоят ва туман бўйича кўрсатилган бир нафардан кишини тайинлайдиган ижроия қўмиталари орқали амалга оширади. Комиссарлар ижроия қўмита олдида масъулдирлар деб белгилаб қўйилган [5; 46].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки мазкур даврдаги очарчилик шароитида кўчирилган болалар масаласи ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда эди.

Шундай қилиб, 1921 йил август ойи биринчи ярмидан Қозон, Симбирск, Самара, Саратов, Уфа, Стерлитомоқ, Оренбург каби бошқа ҳудудлардан темир йўл вагонларида ва сув йўли орқали пороходларда очлар келтирила бошланди. Тез орада очарчилик ҳудудларидан келтирилган болаларнинг юпун кийимида, ҳолдан тойган аҳволи, касалмандлиги тўғрисидаги ҳабарлар бутун Туркистон бўйлаб тарқалиб кетди. Дастрраб Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларни Туркистоннинг Фарғона ва Еттисув вилоятларидан ташқари бошқа барча жойларга жойлаштириш кўзда тутилган эди. Аммо кетма-кет эшелонларда келтирилаётган очлар оқимининг кўплиги Туркистон муҳториятининг фикрини ўзгартиришга, яъни уларни Фарғона ва Еттисув вилоятларига ҳам жойлаштириш зарур деган холосага олиб келди. Келаётган болаларнинг Туркистон вилоят, туман, шаҳар, уездларига жойлашуви ва бу жараённи ўз кўзи билан кўрган диёнатли халқимиз уларга меҳр-муруват, том маънода бағрикенглик кўрсатди. Табиатан болажон бўлган ўзбек халқи болалар жойлаштирилган интернат, “Болалар уйлари”га имкон даражасида кийим-кечак, озиқ-овқат билан ёрдам бериб, бор-будини оч болалар билан баҳам кўрди. Масалан Наманган уездидан оч болаларга хайрия йиғиш 1921 йил 5 августида бошланиб, икки кун ичидан озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқарида 1,5млн. рублдан ортиқ пул йиғилган бўлса, 11 августга келиб хайрия суммаси 3 млн. рублга етди. Шунингдек, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги қошидаги кооперация бирлашмаси ҳам 1 млн. рублни хайрия қилган [3;53].

Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётган оч болалар муаммоси борган сари мушкуллашиб боришига келтирилаётган болаларни икки гурухга ажратиб, яъни мусулмон (татар, бошқирд ва бошқалар) ва европаликларни (рус, немис ва бошқалар) алоҳида-алоҳида интернатларга жойлаштириш ҳам сабаб бўлган. Аммо оч болаларни ҳамма вақт ҳам алоҳида жойлаштиришга имкон бўлавермасди ва шу сабабли баъзан улар вақтинча бирга яшар эдилар.

Шунингдек, Наманган шаҳар инқилобий қўмита 1921 йил 20 декабрдаги мажлисида Отнароби (болалар ҳаётини яхшилаш бўйича масъул)нинг очлиқдан азият чекаётган вилоятлардаги болаларга ёрдам бериш бўйича кичик қўмита ташкил этиш бўйича олган позицияси ҳақидаги маъruzаси ва комиссия аъзолари Шамансуров ва Қосимхоновнинг 1921 йил 19 декабр куни шахсан ўзлари борган болалар уйларидаги аҳвол ҳисоботи тингланган.

Мазкур йигилиш қарорига кўра Отнаробига зудлик билан комиссия фаолияти режасини ишлаб чиқиш ва уни берилган кўрсатмаларга мувофиқ расмийлаштириш таклифи билан қути комиссия тўғрисидаги низомни аниқ ижро этиш учун қабул қилиш;

Мусулмонларни қабул қилиш бўлимларига вақтинча жойлаштирилган европаликларнинг фарзандларини бошқа жойга кўчириш, шу мақсадда шаҳарнинг янги қисмида жойлашган Чарданцевнинг ҳозир бўш турган уйини коммунал бўлим зудлик билан таъмирлаш ва тегишли тартибда жойлаштириш таклиф этилади.

Янги келган болаларни мактаб-интернатларга қабул қилишдан олдин улар орасида касаллар бор-йўқлигини аниқлаш учун маълум вақт ажратилиши керак;

болаларни бу ерга юбориш тўхтатилганлиги тўғрисида вилоятни хабардор қилиш, чунки шаҳарда уларни жойлаштириш учун бинолар, жихозлар, чойшаблар, кўрпа-тўшаклар, матраслар, шунингдек бошқа маҳсулотлар йўқлиги;

Отнароба низомга мувофиқ, ота-онаси бу ерда бўлган болаларни зудлик билан мактаб-интернатлардан чиқариб юборишни таклиф қилганлигини кўришимиз мумкин [1;63].

Юқоридаги каби амалга оширилған чора-тадбирларга қарамасдан, жойларда қаровсиз-назоратсиз болалар сони борган сари күпайиб бораверган. Шунга қарамай “Болалар уй”лари, интернатларга йилдан-йилга күпроқ болалар жалб этилғанлиги билан күзге ташланади. Расмий маълумотларга кўра, РСФСРдаги “Болалар уй”ларида 1917 йили 30 минг нафар атрофида болалар тарбияланган бўлса, 1918 йили уларнинг сони 75 минг, 1919 йили 125 минг, 1920 йили 400 минг, 1921 йили эса 540 минг нафарни ташкил қилган [3; 47].

Келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, совет хукуматининг қанчалик “социалистик тажриба” сиёсати боларни ўз ота-оналаридан алоҳида бўлиб яшашига олиб келган.

Фуқаролар уруши тугашига келганда мамлакатда 1 млн. га яқин болалар ота-оналарини йўқотган ва улар ўзлари учун оғир шароитда яшашга мажбур эдилар.

1921 йил қиши бошланиши билан аҳвол янада аянчли тус олди. Ҳар куни юзлаб, минглаб болалар очлиқдан, касаллиқдан силласи қуриб вафот этарди. 1921 йили кузидаги тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 3 ёшдан 15 ёшгacha бўлган оч болалар сони 5 млн. 798 мингни ташкил қилган бўлиб, улардан 120 минг нафари ҳосилдор деб топилган худудларга, шунингдек Туркистонга ҳам эвакуация қилишни кўзда тутилган эди [3;22]. (Қаранг: 1. жадвал)

1-жадвал

Очарчилик худудларидан эвакуация қилинадиган болалар

№	Республика, губурния ва вилоятлар	Оч болалар сони
1.	Татаристон	785.000
2.	Қирғизистон (Қозоғистон)	570.000
3.	Симбирск	520.000
4.	Чуваш	200.000
5.	Бошқирдистон	155.000
6.	Самара ва Немис коммунаси	78.600

7.	Волга бўйи	5.798.000
8.	Кўчирилиши керак бўлганлар	120.000

Очарчилик йиллари матбуоти, архив манбаларининг гувоҳлик беришича, оч болалар жойлашган вагонлар эшелон-эшелон бўлиб Тошкентга, пароходларда эса Красноводскка кетма-кет келтирилиб турган. 1921 йил ноябрига қадар Туркистон руспубликаси ўз қарамоғига очарчилик губернияларидан 66 минг нафар болани қабул қилишга улгурган [3;42]. Ваҳоланки Туркистон раҳбарияти ўз пайтида, Россиядан эвакуация қилиниши кўзда тутилган 120 минг боладан 25 минг нафаринигина қарамоғига олиши мумкинлигини билдирган эди. Қолган болалар Сибир, Украина, Смоленск, Курск ва бошқа худудларга эвакуация қилиниши керак эди. Аммо мавжуд архив манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, Марказ кўрсатмасига мувофиқ, Туркистон ўз қарамоғига имконият даражасидан анчагина кўпроқ болаларни қабул қилишига тўғри келган. Бунга сабаб очарчилик қамровининг борган сари кўпайиб, аҳолининг кенг қатламини ўз домига тортаётган ва яна Марказ томонидан очларнинг эвакуациясигаadolatsiz ёндашув асосидаги тақсимот ҳам кирган. Биринчидан, очарчилик қамрови ҳаддан ташқари кенгайиб кетгани бўлса, иккинчидан, озиқ-овқат заҳирасини “етарли” деб ўйлаб, Марказ ўлка зиммасига “очларни боқиш юкини” кўяверган. Шундоқ ҳам аянчли кунларни бошдан кечираётганлар губерния ва республикаларининг раҳбариятига эътиroz билдиришни мақсадга мувофиқ эмас деб топган. Натижада оч болаларнинг Туркистонга эвакуацияси сон жиҳатдан кўпайиб кетган ва воқеалар ривожидаги бундай ўзгариш Туркистон раҳбариятини амалда шошириб қўйган. Бошқачароқ айтганда, аслида бу Туркистон МИҚ қошидаги Очларга ёрдам Марказий комиссияси ва унинг жойлардаги Очларга ёрдам комиссияси вакилларини хавотирга солган. Чунки кетма-кет келаётган оч болалар оқими кўпайган сари Туркистонда уларни қабул қилиш, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошпана билан таъминлаш имконияти борган сари қисқариб борган. Масалан, 1921 йил ноябригача очарчилик худудларидан

келтирилган болалар Ўш шаҳридаги “Болалар уйи” ва интернатларда нон, гўшт билан маълум чекланган миқдорда таъминланган бўлсалар, гуручли овқат, ўрик ва сут маҳсулотлари билан керагича таъминлаш имконияти бўлган эди. Аммо келаётган болалар сони кўпайган сари, уларнинг таъминотида ҳам айрим узилишлар пайдо бўла бошлаган.

Эвакуация тариқасида келтирилаётган оч болаларни жойлаштириш муаммоси борган сари боши берк кўчага кириб бораётганидан Туркистондаги кичик-кичик ҳарбий қисмлар ҳам ўз қарамоғига болаларни боқиш ва тарбиялаш учун ола бошлаган. Шунингдек, айрим оилалар очарчилик худудларида келган болалардан битта-иккитасини фарзандлари қаторига қўшиб, уларга бошпана бериб, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаганлар.

Марказ томонидан оч болалар хаётини сақлаб қолиш энг муҳим вазифалардан бир деб қабул қилинганига қарамасдан аҳвол борган сари мушкуллашиб борди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида болалар қисматига айланган очарчиликка сабаблар қаторида қўйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Россия империясининг узоқ йиллар давомида олиб борган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сиёсати;
2. Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) оқибатлари, хусусан қишлоқ хўжалиги, саноатидаги талон-тарожлик;
3. “Инқилобий жараён”лар оқибатида бошқарувдаги бошбошдоқлик;
4. Қурғоқчилик, табиий шарт-шароитлар;
5. Ўзаро иқтисодий муносабатларнинг издан чиқиши.

Марказ кўрсатмасига мувофиқ, ҳосилдор деб топилган худудларга хусусан Туркистонга очлар эвакуацияси ўлка раҳбарияти билан келишилмаган ҳолда, амалда “хоҳиший - мажбурий” тарзда амалга оширилган. Туркистон ҳалқи ўзи тўқ яшамаётганига қарамасдан Россиянинг очарчилик худудларидан юборилаётган очларни қабул қилишга жалб этилган. Бу амалда “Оч ҳолда очларни боқиш чора-тадбирлари” эди. Аммо шунга қарамасдан, Туркистон аҳли

келтирилаётган очарчилик ҳудудлари болаларига халқимизга хос мәхр-муруват, бағрикенглик намуналарини күрсатган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Наманган вилоят давлат архиви 13- фонд, 1-рўйхат, 12-йигма жилд, 63- варақ
2. Портнов В. П. ВЧК (Всероссийская чрезвычайная комиссия) 1917-1922. – Москва: Юридическая литература, 1987. – 207 с.
3. Расулов А. Н. Туркистан халқи бағрикенглиги. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011. – 136 б.
4. Софинов П. Г. Очерки истории Всероссийской Чрезвычайной Комиссии (1917– 1922 гг.). – Москва, 1960. – 247 с.
5. Ўзбекистон миллий архиви. 17-фонд, 1-рўйхат, 266-йигма жилд, 46-варақ.